

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Профессорлар

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Клиник фармакология” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Умумий болалар жарроҳлиги” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Асаб касалликлари” кафедраси

Доцентлар

Олий маълумотли ҳамшира факультетига қарашли “Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил этиш, бошқариш” кафедраси

Олий маълумотли ҳамшира факультетига қарашли “Ижтимоий фанлар” кафедраси

Ассистентлар

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Гистология ва тиббий биология” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Гематология, трансфузиология ва лаборатория иши” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига

Хужжатларни қабул қилиш эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддатда ректоратнинг девонхона бўлимига топширилади. Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.

қарашли “Халқ тиббиёти, реабилитология ва жисмоний тарбия” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Юқумли ва болалар юқумли касалликлари” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Онкология, нур диагностикаси ва терапия” кафедраси

Малака ошириш факультетига қарашли “1-сон ички касалликлар” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Асаб касалликлари” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “2-сон Болалар касалликлари” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “2-сон Ички касалликлар” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Хирургик касалликлар” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Отолорингология ва стоматология” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “2-сон Акушер гинекология” кафедраси

ТТА қошидаги “Шифокор” спорт мажмуаси раҳбарияти, мажмуанинг кекса ходими
Мурод Муҳамеджоновнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ТТА ректорати ва касаба уюшмаси тиббий профилактика факультетига қарашли гистология ва тиббий биология кафедраси мудири тиббиёт фанлари доктори профессор Феруза Хусановна Азизовага волидаи мухтарамалари
Мухториятхон она Юлдашеванинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS:
**TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI**

MUHARRIR
**TURDIQUL
BOBOMURATOV**

TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),
O.Hazratov, A.Zohidiy, S.Mavlyanov,
D.Norgulov, L.Abdugodirova, D.Xudoyqulov

Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahilalandi va Toshkent
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida
400 nusxada chop etildi.
Manzilimiz:
Toshkent shahri, Farobiy
ko'chasi, 2-uy
Nashr uchun ma'sul
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun
mualliflar javobgardir
Бепул тарқатилади



“ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ” БАЙРАМ ТАДБИРИ

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов ташаббуси билан 2006 йил 12 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги қонунга асосан, мамлакатимизда ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи яқшанбаси тиббиёт ходимлари байрами сифатида кенг нишонланади. Шу муносабат билан Тошкент Тиббиёт академиясида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар ва ходимлар учун 2017 йил 8 ноябрь кунини Муқимий номидаги мусикали драма театрида маънавий-маданий тадбир бўлиб ўтди. Тадбир аввалида кўп йиллар таълим ва тиббиёт соҳасида Тиббиёт академиясида самарали фаолият кўрсатган бир гуруҳ ходимлар тақдирландилар.

Кўп йиллик самарали ва ҳалол меҳнатлари, малакали шифокор ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда

қўшаётган ҳиссаси, ўқув, илмий, маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш устида қатъият билан ишлаб келаётганлиги ҳамда “Тиббиёт ходимлари кунини” байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси” кўрак нишони – тиббий педагогика факультети декани, профессор Ҳамраев Абдор Асрорович, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фахрий ёрлиғи билан юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси доценти – Обидов Акрам Бўриевич ва атроф-муҳит ва гигиенаси кафедраси катта ўқитувчиси – Шарипова Сожида Ахметжоновналар;

(Давоми 3-бетда)

ДАВЛАТ БАЙРОҒИ

1991 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 8-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисидаги қонун қабул қилинди.

Давлат рамзлари ҳар бир халқнинг мустақиллиги, озодлиги, тинчлиги ва барқарорлиги тимсоли ҳисобланади. Буюк аجدодларимиз ҳам юрт байроғини муқаддас билиб, уни ардоқлаганлар, кўз қорачиғидек асраганлар.

Давлатчилигимиз тарихининг қайси даврини олиб қарамайлик, байроқ аجدодларимиз учун озодлик, куч-қудрат, жасорат, ғалаба тимсоли бўлган. Ватанимиз мустақилликка эришгач, Президентини Ислон Каримовнинг ташаббуси билан 1991 йилнинг 18 ноябрида “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Мазкур ҳужжатда таъкидланганидек, миллий байроғимиз давлат суверенитети рамзларидан биридир. У 20 йилдан бери мамлакатимиз Президентини Девони, Олий Мажлис палаталари, ҳукумат биноси, маҳаллий бошқарув идоралари, Ўзбекистон аъзо бўлган халқро ташкилотлар, юртимизнинг ўнлаб хорижий давлатларидаги дипломатия ва савдо ваколатхоналари,



консуллик муассасаларида ҳилпираб турибди.

Ер юзидан икки юздан ортиқ давлат ва албатта, ҳар бир давлатнинг ўз рамзлари, байроғи бор. Ҳар бир байроқ айрича ранг ва тимсолларга эга. Улар билан ёнма-ён балқиб турган байроғимиз ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва кам бўлмаслигимизни кўрсатиб туради.

Президентимизнинг хорижий мамлакатларга расмий ташрифлари давомида байроғимиз ўша юрт кўчаларини безайди. Турли байрам тантаналарида, юртимиз делегациялари қатнашаётган халқро миқёсдаги тадбирларда, нуфузли спорт мусобақаларида Ватанимизнинг шаъни, халқимизнинг ғурур ва ифтихорини ёрқин акс эттиради.

(Давоми 2-бетда)



*Авлиёнинг баридан ҳар ким тутиб кетолмас,
Чунки нафсин баҳридан ҳар ким ўтиб кетолмас.*



ДАВЛАТ БАЙРОҒИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Юртимиздаги байрам шодиёналари, тантаналари чоғида кўчаларимизга кўрк бағишлаб турган байроғимиз ҳар биримизда шукроналик ҳисларини уйғотади. Мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбиясига қаратилаётган улкан эътибор самараси ўлароқ, халқаро миқёсда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Айниқса, турли спорт мусобақаларида ғолибликка эришган йигит-қизларимиз шарафига юрт байроғи баланд кўтарилмоқда. Ана шундай лаҳзаларда қалбларимизда Ватан туйғуси янада кучлироқ жўш уради, халқимизнинг салоҳияти, келажакимизга ишонч янада мустаҳкамланади. Давла-

тимиз байроғидаги ҳар бир ранг, ҳар бир белги чуқур рамзий маънога эга. Ундаги мовий ранг - тириклик манбаи бўлган обиҳаётни, мусаффо осмонимизни, куч-қудратимизни, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорликни акс эттиради. Оқ ранг – муқаддас тинчлик рамзи бўлиб, у кун чароғонлиги ва кинот ёриткичлари билан уйғунлашиб кетади. Оқ ранг - поклик, беғуборлик, софликни, орзу ва хаёллар тозалиги, ички гўзалликка интилишнинг тимсоли. Яшил – яшариш ва янгилиниш, навқиронлик ва шодумонлик рамзи, шунинг баробарида она табиатимиз тимсолидир. Қизил чизиқлар - томиримизда жўшиб оқаётган аجدодлар қони – ҳаётнинг қудрат ва давомийлик нишонасидир. Шунингдек, бунда

Истиқлол, озодлик учун қон тўккан эрксевар ота-боболаримизнинг орзу-армонлари мужассам. Байроғимиздаги ярим ой ва юлдузлар - тарихий қадриятларимиз, умрбоқий анъаналаримиз, маънавий куч-қудратимиз билан боғлиқ. Ҳилол қўлга киритилган мустақиллик, озодликни ифодалайди. Давлатимиз байроғи-ўтмиш, бугун ва келажакимизнинг ёрқин тимсоли. Қонунда белгиланганидек, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда яшайдиган бошқа шахслар байроғимизни ҳурмат қилишлари шарт. Зеро, унда руҳиятимиз, ғурур ва ифтихоримиз, Ватанимиз ва халқимизга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатимиз, келажакка ишончимиз мужассамдир.

Г.ХАЙДАРОВА,
отоларингология ва стоматология кафедраси доценти т.ф.д.

КОНСТИТУЦИЯ – БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Ҳар бир миллатнинг тараққий ва таолийси ишларини ўз вақтида низомдан чиқармай тартиб ила юритмакка боғлиқдир.

Абдулла Авлоний

1992 йилнинг 8 декабрида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ун иккинчи чақириқ, ўн биринчи сессиясида қабул қилинган.



Ўзбекистон Республикаси Конституциясига халқимизнинг турмуш шароитларини ўрганиб 2017 йил 31 майда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида (80, 93, 108 ва 109-моддаларга)” қонуни асосида Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 31 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги ЎРҚ-430 ва ЎРҚ-431-сонли Конституциявий қонунлари кучга кириб, мазкур қонунлар билан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ваколатлари аниқлаштирилди ва кенгайтирилди.

Судьяларни сайлаш, уларнинг ваколат муддати ва судьяликка номзодларга қўйиладиган талаблар ўзгартirilган.

Қонунда, Конституциявий судга кўриб чиқиш учун масала киритиш, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг устунлигини, қонун чиқарувчи ҳамда ижро этувчи ҳокимиятнинг ҳужжатларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлигига доир конституциявий принципнинг ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бошқа нормаларининг рўёбга чиқарилишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига амал қилган ҳолда ишларни ҳал этиш ва хулосалар бериш каби устувор вазифаларни қамраб олади.

Қонунда Конституциявий суднинг фаолиятига аралашшига йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашши қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши таъкидланган ҳолда Конституциявий судда ишларни кўриб чиқиш ва ҳужжат қабул қилиш камида

тўрт нафар судьядан иборат таркибда коллегиал тарзда амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган ва ҳ.к.

Бу борада ТТАда ҳам кенг қўламли тадбирлар амалга оширилмоқдаки, ОТМда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшлар ўртасида “Сиз қонуни биласизми?”, “Конституция – бахтимиз қомуси”, “Конституция – миллий гуруримиз”, “Конституцияни чуқур билиш – ҳуқуқий онг ва маданиятни оширишнинг муҳим шартидир” каби мавзулар доирасида тадбирлар йиллик режа ва график асосида тасдиқланиб, мунтазам ўтказилиб келинмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда фақат юксак билимли, замонавий, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган ва амалий касб-хунарларга эга бўлган ёшларгина мамлакатнинг буюк келажакни таъминлаши мумкин.

Мухтасар қилиб айтганда, Конституциявий-ҳуқуқий маданиятни шакллантириш инсон ҳуқуқларидан ажралмасдир. Шунинг учун Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятларни тушунтириш ва тушуниб олишга бундан кейин ҳам жуда катта эътибор бериш лозим. Бинобарин, ҳар қандай Қонун аввало уни билиш ва ҳурмат қилиш, унга сўзсиз риоя этиш орқали том маънода қонунийлик касб этади. Конституциянинг нормаларини ҳам айнан ана шу итоткорлик ҳаракатга келтиради.

Р.ПОЛВАНОВ,
ТТА “Тиббий психология” йўналиши магистранти
Н.МАТЯҚУБОВА,
Ички касалликлар кафедраси клиник ординатори

МЕҲРГА ТАШНА ҚАЛБЛАР

Инсон дунёга келар экан ҳамиша ва ҳар вақт эзгулик сари тетапоя қилади

Азал -азалдан халқимиз матонат, шижоат борасида собитқадамлик билан олға борган. Кексалар дуосини олиш, беморлар ҳолидан хабар олиш, каттага ҳурмат, кичикка иззатда бўлиш ўзбек халқининг чинакам тантилиги тимсолидир. Оилада фарзанд туғилар экан унга тетапоя давридаёқ эзгулик уруғлари камарбаста қилинади. Ота-онанинг меҳри, муҳаббати, атрофдагилар эътибори фарзанднинг камол топишида асосий таянч ҳисобланади. Ўтмишга назар солсак буюк халқимиз тарихида Зардуштийликнинг муқаддас китоби Авесто эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалабаси орқали намоён бўлган.

Кайковуснинг Қобуснома асарида ҳам фарзанднинг тарбиясида меҳр-муҳаббат туйғулари камол топиши борасида қатор ўғитлар жой олган.

Алпшер Навоий асарларининг мазмунида баркамол шахс камолоти ҳақида тўлиқ тушунчалар мавжуд. Ўғитлар, панд насихатлар замирида халқимизнинг меҳрга камарбаста юраги, иссиқ тафти, қайноқ қўлларининг ҳарорати сезилиб туради. Инсонийлик фазилатларини бугунги кун ёшларига тарғиб қилиш улар онгига синдириш, маънавиятини шакллантириш борасида қатор тарбиявий тарғибот ишлари олиб борилмоқда. ТТА қошидаги академик лицей маъмурияти, Ёшлар иттифоқи, иттифоқнинг “Ижтимоий ҳимоя” йўналиши сардор ва аъзолар биргаликда “Меҳрга ташна қалблар” номли акция ўтказдилар. Акцияда кўнгли ярим, меҳрга зор жажжи юракларга оз бўлсада қувонч улашиш асосий мақсад қилиб олинди. Лицей директори А.Шермуратов иттифоқ аъзоларининг бу ташаббусини қўллаб-қувватлаган ҳолда “Азиз ёшлар, бу ташаббус сизларни янада ҳамжиҳатлик борасида бирдамликка чорлайди. Қўлни қўлга

бериб меҳр улашинг” дея айтган сўзлари ўқувчиларни руҳлантирди.

Тарғибот жараёнида лицейнинг ижтимоий ҳимоя йўналиши аъзолари ҳамжиҳатликда устозлар бошчилигида хайрия маблағларини тўпладилар. Хайрия тадбиридан тушган маблағга 1-сон Мурувват уйига ногирон болаларга керакли ашёлар харид қилинди ва тортиқ этилди.

Хайрия тадбирида ММИБДҮ Ф.Хайруллаҳужаева, 305 гуруҳ раҳбари Д.Бобохонова, гуруҳ раҳбарлари, лицей ижтимоий йўналиши сардори Ғаффорбек Улуғбеков ҳамда иттифоқ аъзолари ташаббусни қўлдан бой бермай мақсад сари олға қадам босдилар.

Лицей ўқувчилари “Қуёшли кун” номли мусиқали тадбир билан 30-сон Меҳрибонлик уйига ташриф буюрдилар. У ердаги кўнгли ярим болажонларга кийим-кечак, ширинликлар, юмшоқ ўйинчоқлар ҳадя қилдилар. Болажонлар моддий ва маънавий кўмақдан кўнглилари тоғ ҳолда ўқувчилар билан хайрлашдилар.

Иттифоқ аъзоларига 1-сон Мурувват уйи ҳамда 30-сон Меҳрибонлик уйи ходимлари томонидан ташаккурнома берилди.

Ўқувчилар Мурувват, Меҳрибонлик уйларида чиқар эканлар, бугунги кунга, соғлом эканликларидан, ота-она билан биргаликда яшаб, ўқиётганликларига шукроналар келтирдилар.

Келажакда аъло кўриб юрт қорига яровчи касб эгалари бўлишга аҳд қилдилар.

Меҳр-мурувват – олий фазилат, бу фазилатни ўқувчилар онгига синдириш борасида Ёшлар иттифоқи ташаббусни қўлдан бермай олға қадам ташлашда давом этади.

Нигора ҲАКИМОВА,
ТТА қошидаги академик лицей Ёшлар иттифоқи етакчиси

ШАМОЛЛАШНИ ДАВОЛАШНИНГ ТАБИЙ УСУЛЛАРИ

Ёз тугаб, ўрнини мафтункор, олтин куз фаслига бўшатиб берди. Куз йилнинг энг фалсафий фасли. Ҳамма нарса қишнинг келишини кутгани каби ўзгаришни бошлайди, айни пайтда ҳаёт бошқа бир кайфият кашф этади. Куз ўз қадамини беғубор ёмғир, совуқ кунлар билан ўтказди. Бундай пайтда инсон организмда иммунитет пасайиб шамоллаш кузатилиши мумкин.

Бу асосан инсонга ҳаво орқали юқиши мумкин. Касалликни қўзғатувчилар вируслар, бактериялар.

Касаллик белгилари бош оғриши, иштаха камайиши, совуқ қотиш, эт увишиши, бурун оқиши, йўтал, хансираш, умумий ҳолсизлик белгилари билан кечади.

Нафас йўллари касаллигининг олдини олиш учун овқатларга лимон ва лимон шарбатини қўшиб истеъмол қилиш фойдали. Қуйидаги муолажа организмни витаминлар билан тўйинтириб, иммунитетни мустаҳкамлайди ва яллиғланиш касалликларининг олдини олади.

Бунинг учун икки дона лимон, 1 кг дан сабзи ва олма, 0,5 кг баргак, 300 г майиз ва 5 ош қошиқ, асал керак бўлади. Сабзи ва олма майда қирғичдан ўтказилади, баргак майда тўғралади, лимон гўштқиймалагичдан чиқарилади ва ҳаммаси асал билан яхшилаб аралаштирилади. Грипп эпидемиясида кунига 3

маҳал 1-2 ош қошиқдан истеъмол қилиб туриш лозим. Замонавий табиотда лимондан кўпгина касалликларда сервитамин восита сифатида фойдаланилади. Лимон таркиби, яъни мойи, шарбати, шунингдек, мевасининг янги артилган ва қуритилган пўсти кўп мамлакатларда шифобахш деб расман эътироф этилади. Иссиқ лимон чой ичиш ҳам тавсия этилади. Тайёрлаш ва ишлатиш усуллари:

Тўғраб қўйилган лимон мевасидан 2 ош қошиқ олиб устига 2 стакан қайноқ сув қўйилади-да паст оловда 20 минут қайнатилади, сузиб олиниб, овқатдан олдин 0,5 стакандан 3-4 маҳал ичилади.

Томоқ оғриги безовта қилганда бир стакан лимон шарбатини бир стакан сув билан аралаштириб бир чой қошиқ шаккар солиб ҳар икки соатда истеъмол қилиш лозим.

Нафас олиш йўллари шамоллаганда эса саримсоқ пиёзни эзиб, яримта лимон билан

аралаштириб асал қўшиб ейиш зарур. Бу нафас йўллари қишнинг ёрдам беради.

Лимон таркибида калий мия ва асаб тизимларини озиклантиришда, кальций суяк ва тишларга, магний кальций билан биргаликда инсон организмда оқсил ҳосил бўлишида катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга лимоннинг ўткир хиди ва таъми инсонни стресс ҳолларида ҳам яхши ёрдам беради. Ҳозирги кунда хид билан тинчлантиришда (ароматерапия) лимоннинг ёғи тинчлантирувчи сифатида қўлланилади. Лимон таркибидаги лимон кислотаси гомеостаз қон босими ва иммунитетни меъёрлашда аҳамияти катта.

Ш.ЗАКИРХОДЖАЕВ,
Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги
Республика Диетология ўқув маркази
директори, профессор,
М.ОРАКБАЕВА,
Клиник ординатор



“ОММАВИЙ МАДАНИЯТ”НИНГ БУГУНГИ ЁШЛАР ОНГИГА ТАЪСИРИ

Маълумки инсон ўзини англаш туфайлигина теварак-атрофни, борлиқни ва бу борлиқ инсон учун яратилганини, ўзининг тақдири шу борлиқ билан чамбарчаслигини идрок этади ва шунга амал қилиб яшайди.

Ҳозирги кунда “оммавий маданият” атамаси тез-тез қулоғимизга чалиниб туради, бу эса ёшларимиз, ўрта ёш вакилларининг ҳаётларига ҳам бу маданиятнинг илдиз отиб ўрнаша бошлаётганидан далолат беради. Ҳар бир миллат ва элатнинг ўзига хос маданияти, миллий қадрияти ва анъаналари бор. У фақат ўша халқнинг қизиқиш ва менталитетидан келиб чиққан ҳолда намоён бўлади.

Уни бошқаларга ҳам татбиқ этиш эса акс таъсирларни келтириб чиқариши табиий ҳол, албатта. Баъзи юртдошларимиз, айниқса ёшларимиз ўртасида ёт маданият ва қарашларнинг тарқалиши уларнинг ота-онага нисбатан муносабатини, дўсту биродар ва яқинлари билан ўзаро муносабатлардаги хатти-ҳаракатларининг тубдан ўзгаришига сабаб бўлмоқда.

Миллийлигимизга, маданиятимизга тўғри келмайдиган турли хил сўзларнинг лексиконимизга кўшилиб кетаётгани, жамоат тартибига тўғри келмайдиган кийимлар, соч турмакларининг кўпайиб бораётгани ташвишланарли ҳолдир. Айрим ғарб мамлакатларида жорий қилинаётган бир жинсли никоҳлар, танага турли расмларни чизиш ва металл жисмларни тақиш каби ишлар эса ҳам саломатликка, ҳам инсонийликка зиддир. Бундай салбий одатлардан фарзандларимизни ҳимоя қилишга камарбаста бўлиш сиз-у бизнинг зиммамиздаги улкан вазифаларимиздан биридир.

Оммавий маданиятнинг барча унсурлари киши табиатига зид, унинг инсонийлик қиёфаси ва қалбини хиралаштирувчи беҳуда амаллар эканини англаб етамиз.

Бизнинг юртимизда буюк бобокалонларимиз етишиб чиққан, биз бутун дунёга машҳур инсонларнинг зурриёдларимиз, шундай экан кўр-кўрона чет эл кино фильмлари-ю, либосларига берил-



масдан ўзимизнинг миллий урф-одатларимизни унутмаслигимиз ва ёшларимиз онгига ҳам урф-одатларимиз, маданиятларимизни сингдириб боришимиз даркор.

Корейс тарихий фильмларидаги тарихий қаҳрамонларни (Жумонгни) эмас, балки Амир Темур бобомиз тўғрисидаги инсонпарварлик, мардлик, Ватанга садоқат, тўғрисиқлик, муҳтожларга ёрдам бериш, иқтидорли кишиларни қўллаб-қувватлаш, катталарга ҳурмат, кичикларга иззатда бўлиш ва бошқа кўплаб инсоний фазилатларини ўрнак қилиб кўрсатишимиз керак.

Бундан мақсад шуки, ҳозирги ёшларимиз ҳам олижаноб яхши инсон бўлиши учун эзгу фазилатларга эга бўлиши, юртимизда олиб борилаётган ислохотларга ўз ҳиссасини кўшиш масъулиятини ҳис қила билишларидир.

Маънавият инсоннинг улғайиши ва куч-қудрат манбаидир. Маънавият инсонни руҳан поклаш, қалбан улғулашга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс кучдир ва барча қарашлар мезонидир.

Ҳа албатта, фарзандларимизни ёшлиқдан она Ватанга муҳаббат ва садоқатли қилиб тарбиялашимиз ва улар билан бир жону бир тан бўлиб иш олиб бормоғимиз керак.

Ҳабиба НУРБАЕВА,
ТТА Маънавият ва маърифат бўлими услубчиси
Зулфия ШОАЛИМОВА,
т.ф.н. 1-сон ички касалликлар кафедраси
катта ўқитувчи

“ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ” БАЙРАМ ТАДБИРИ

(Давоми. Боши 1-бетда) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг фахрий ёрлиқлари билан ҳамширалик иши кафедраси мудири, профессор Разикова Илмира Садуллаевна, Олий ҳамширалик факультети декани, тиббиёт фанлари доктори – Боқиева Шахло Ҳамидуллаевна, 1-болалар касалликлари кафедраси доценти – Миррахимова Мактуба Ҳабибуллаевналар;
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ходимлари марказий кенгашининг фахрий ёрлиғи ва совғалари билан – № 1-травматология, ортопедия, ҳарбий дала жарроҳлиги кафедраси мудири, профессор - Каримов Муродулло Юлдашевич, Анатомия ва клиник анатомия кафедраси катта ўқитувчиси Ҳасанов Носир Абдусолиевич, Микробиология, вирусология ва иммунология кафедраси доценти - Алиев Шав-

кат Рўзиматович, Факультет ва госпитал хирургия кафедраси доценти, тиббиёт фанлари доктори-Ирназаров Акмал Абдуллаевич, Клиник фармакология кафедраси профессори- Зуфаров Пўлат Соатович, Факультет ва госпитал терапия кафедраси мудири- Жабборов Азим Атахановичлар тақдирландилар.

Тадбирга йиғилганларга Муқимий номидаги мусиқали драма театри жамоаси томонидан “Олифта” номли спектакль тақдим этилди.

Д.ХУДАЙҚУЛОВ,
Тошкент Тиббиёт академияси Маънавият
ва маърифат бўлими бошлиғи
Қ.НИЗОМОВ,
Тиббиётнома махсус мухбири

ЭНГ ЯХШИ ДЎСТ – КИТОБДИР

“Ўзимдаги ҳамма яхши хислатлар учун китобдан миннатдорман” деган эди рус ёзувчиси Максим Горький. Дарҳақиқат, китоблар инсоннинг йўлчи юлдузи, маёғи, келажаги учун дастуруламалидир. Бежизга жаҳон илм аҳкомлари анжумани иштирокчилари XIV асрда Гутенберг томонидан китобни типография усулида чоп этилишининг йўлга қўйилиши инсоният тарихидаги энг катта қадамдир деб баҳо беришмаган. Узоқ йиллар қадриятлар нисбатан ўзгарганлиги боис китобларга меҳр ва қизиқиш камайди, ёшларимиз китоб ўрнига компьютер технологиялари, кутубхоналар ўрнига интернет кафе, шеър ёдлаш ўрнига уяли алоқа воситаларида мулоқотни афзал кўриб юрганликлари ҳам ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Фақат, Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг китобга, кутубхоналарга, мутолаага эътиборни кучайтириш хусусида чиқарган қатор фармонлари, ойнаи жаҳон орқали чиқишлари сабаб бўлиб, бугунги кунда яна ўз аслиятимизга қайтиб, боболаримиз эъзозлаб келган муқаддас неъматга янгича кўз билан қарай бошладик.


2017 йилнинг 22 октябрида Академиямизнинг Даволаш факультетига тегишли Умумий ва болалар хирургияси кафедраси ходимлари, Маънавият ва маърифат бўйича декан ёрдамчиси, “Тиббиётнома” рўзномаси муҳаррири Қутбиддин Низомовлар томонидан Талабалар турар жойида

“Ўзбек тили, китоблар, мутолаа маданияти ва янги китоб презентацияси” мавзусида талабалар билан учрашув тадбири ташкил қилинди. Тадбир учун Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, “Турон” Фанлар академияси академиги, шоира ва журналист, публицист Роҳила Сиддиқ тақлиф этилди. Кўнгилочар тадбирни Умумий ва болалар хирургияси кафедраси ассистенти, кўплаб китоблар муаллифи Тождин Файзуллаев олиб борди. Тадбирда 4 ТТЖ талабалари фаол иштирок этиб, муқаддас она тилимиз, буюк боболаримиз қолдирган муқаддас адабий ва маънавий мерослари, тилимиз ва тиббиётимиздаги ислохотлар хусусида кўплаб саволлар бердилар. Севимли шоирамиз, Роҳила Сиддиқ уларнинг саволларига тегишли ва муфассал жавоб қайтарди, шу билан бирга ўзининг 30 дан ортиқ китобларига киритилган ҳаяжонли ва ибратли воқеалардан, дилтортар шеърларидан ўқиб берди.

Тадбирнинг иккинчи қисмида менинг олтинчинчи китобим – “Мен кўрган улғулардан” тақдимоти бўлиб ўтди. Мазкур китоб “Ноширлик ёғдуси” нашриётида 12 босма тобоқда 2000 нусхада чоп этилган бўлиб, унда замонамизнинг энг улғу намояндалари билан учрашувлар, тафсилотлар ва суҳбатлар келтирилган. Жумладан Ўзбекистон Қаҳрамонлари Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф, Россия халқ артисти Владимир Висоц-

кий, муҳтарам шайхимиз, ислом оламнинг энг буюк олимларидан Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф билан бўлган учрашувлар, тафсилотлар келтириб ўтилган. Шу билан бирга менинг олим ва адиб сифатида шаклланишимга ўз ҳиссасини кўшган меҳрибон устозларим профессор Жуманазар Бекназаров, улғу саййидлар авлодидан доцент Рашодхон Алавий, Ўзбекистон Республикаси бош болалар жарроҳи бўлиб узоқ йиллар фаолият юритган профессор Абдурашид Ҳамроевлар хусусида етарлича маълумотлар келтирилган. Китобда муҳтарам жамоамиз бўлган академиямиз олимларидан академик Малика Самадовна Абдуллаҳўжаева, академик Ҳомид Каримов, профессор Шерзод Зокирхўжаев, профессор Эркин Қосимов, Республика соғлиқни сақлаш аълочилиси Қутбиддин Низомовларнинг инсонийлик, жиҳатлари ва шифокорлик фаолиятлари хусусида муфассал маълумотлар келтирилган. Тақдимот бўйича талабаларимизни қизиқтирган барча саволларга муфассал жавоб қайтардик. Тадбир сўнгида Роҳила Сиддиқ ва мен ўз китобларимиздан аълочи ва тадбирда фаол иштирок этган талабаларга эсдалик совғалар топширдик. Тадбир жуда кўнгилли ва кўтаринки руҳда якунланди.

Алижон ЗОҲИДИЙ,
“Турон” Фанлар академияси
академиги, тиббиёт фанлари номзо-
ди, Республика Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси



ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ



“ЁШ КИТОБХОН” РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ

“Ёш китобхон” танлови (кейинги ўринларда Танлов деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3138-сонли қарорига мувофиқ ташкил этилиб, ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ривожлантиришга қаратилган республикадаги энг йирик танлов ҳисобланади.

Республикада истиқомат қилаётган миллати ва тилидан қатъий назар 14 ёшдан 31 ёшгача бўлган барча болалар ва ёшлар танловда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Иштирокчилар талабидан келиб чиқиб, уларнинг танлов жараёнида рус ва қорақалпоқ тилларидан фойдаланишига рухсат берилади.

Танлов ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва бадиий китоблар ҳамда газета ва журналлар асосида ташкил этилади.

Танловни ташкил этиш ва ўтказиш Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши, Матбуот ва ахборот агентлиги, Маънавият ва маърифат маркази, Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси вакилларида тузилган Республика ташкилий қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Танловни ташкил этишдан асосий мақсад – болалар ва ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш, уларнинг интеллектуал салоҳияти ва маънавий савиясини юксалтиришдан иборат.

“ЁШЛАР ИТТИФОҚИ” СТИПЕНДИЯСИ ТАЪСИС ЭТИЛДИ

“Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи” Марказий Кенгаши барча олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган бакалавр ҳамда магистр босқичидаги талабалар учун ижтимоий-сиёсий, маънавий ва ҳуқуқий саводхонлиги ҳамда ижтимоий фаоллигига қараб бериладиган рағбатлантирувчи “Ёшлар иттифоқи” стипендияси таъсис этилганини маълум қилди.

Мазкур стипендия йилнинг ўн ойи давомида тўлаб бериладиган тўлов шаклида ташкил этилиб, унинг миқдори ЭКИХ икки баробари этиб белгиланди. Стипендия Низоми бандларида айтилишича, “Ёшлар иттифоқи” стипендианти бўлиш учун фақат олий таълим муассасаларида таҳсил олувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган талабалар ўз ҳужжатларини тақдим этишлари шарт. Номзодларга ҳужжатларни 2 курсдан бошлаб топширишга рухсат этилади. Шунингдек, номзодларнинг ҳужжатлари ўтган ўқув йилида яхши ва аъло баҳоларга ўзлаштирган тақдирда қабул қилинади.

Низомда “Ёшлар иттифоқи” стипендиясига танлов уч босқичда ташкил этилиши назарда тутилган:

Биринчи босқичда, номзодларни анкета ва ҳужжатлари иттифоқнинг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотларида ҳар ўқув йилининг 30 октябрга қадар қабул қилинади. Номзодлар ҳужжатларини олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотнинг Ёшлар кенгаши кўриб чиқади ҳамда муносиб номзодларни ўқув йилининг 15 ноябрга қадар иттифоқнинг туман (шаҳар) Кенгашларига тақдим этади.

Номзодларнинг ҳужжатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан кўриб чиқилиб, сараланган номзодлар ўқув йилининг 1 декабрга қадар иттифоқнинг ҳудудий Кенгашларига тақдим этилади.

Иккинчи босқич – саралаш босқичи бўлиб, мазкур босқичда иттифоқнинг ҳудудий Кенгаши қошида ишчи гуруҳ тузилиб, ҳудуддаги барча олий таълим муассасаларидан келган номзодларнинг ҳужжатлари ўрганиб чиқилади ва уларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-ҳуқуқий саводхонлигини аниқлашга қаратилган тест имтиҳонларидан юқори балл тўплаган ҳар бир олий таълим муассасаларидан 5 нафаргача муносиб номзодлар саралаб олинади.

Номзодлар иттифоқ томонидан таъсис этилган лойиҳаларга тақлифи ҳамда инновацион ғоясини давлат тилида 250-350 сўздан иборат иншо шаклида ёзиб тақдим этади (бунда давлат тилини билиш даражаси инобатга олинади).

Учинчи босқич – якуний босқич бўлиб, мазкур босқичга йўлланма олган иштирокчиларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-ҳуқуқий саводхонлиги ҳамда лойиҳа тақдимоти баҳоланади. Марказий Кенгашнинг йўналишлар бўйича бўлим мудирларидан ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан номзоднинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-ҳуқуқий саводхонлиги ҳамда лойиҳаси тақдимотига қаратилган суҳбат ташкил этилади. Суҳбат натижаларига кўра муносиб деб топилган ҳамда баҳолаш натижаларига кўра юқори балл тўплаган номзодлар “Ёшлар иттифоқи” стипендияси соҳиби деб топилди.

С.МАВЛЯНОВ,
Ёшлар иттифоқи раиси

ТАЛАБАЛИК ЎЗИ БАХТДИР

(17 ноябрь — Талабалар кунига бағишлаб)

Кечагача қанча орзу қилган эдим

Бугун эса кўзим қувнар, дилим шоддир

Ҳаётимни гулгун қилган “олтин даврим”

Талабалик сенга етмоқ ўзи бахтдир.

Зўр соғинч-ла сени кутган диллар қанча

Хаёллардан бедор ўтган тунлар қанча

Йиғлай деса ёш қолмаган кўзлар қанча

Талабалик сенга етмоқ ўзи бахтдир.

Кунда бир хил китоблардан зериккан дил

Бир хил савол, битта мавзу кетмас қалбдан

Ота-онам, устозларим кутган кўп йил

Талабалик сенга етмоқ ўзи бахтдир.

Талабалик олис йўлдай туюлгандинг

Билсам сандан яқинроғи бўлмас экан

Сен мушкулот, синов эдинг бизлар учун

Талабалик сенга етмоқ ўзи бахтдир.

Талабалик, лекция-ю, имтиҳондир

Ййин-қулғу, қувонч ва баъзан низодир

Қовоқ-тумшук, ғазаб билан боққан кўзлар

Аммо бунга етмоқлик ҳам кўп душвордир.

Майли бугун имтиҳондан ўтолмадик

Ранжмайлик бу сабоқдир, бу сабоқдир

Ҳаёт ўзи синовлардан иборатдир

Талабалик сенга етмоқ ўзи бахтдир.

Кечагача қанча орзу қилган эдим

Бугун эса кўзим қувнар, дилим шоддир

Ҳаётимни гулгун қилган “олтин даврим”

Талабалик сенга етмоқ ўзи бахтдир.

Ирода БОБОЕВА,

Тиббий профилактика факультети талабаси

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРГА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

Маълумки мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етуқ ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Шу сабабли, мазкур соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни бугунги давр талабларига мос равишда ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрлайдиган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, халқ манфаати йўлида бор салоҳиятини сафарбар қиладиган, шижоатли ёшларни тарбиялаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун мустақам ҳуқуқий пойдевор яратди.

Айниқса ёшларнинг илмий ва бадиий китоблар, жумладан, электрон асарларни ўқишга бўлган қизиқишини янада ошириш, ҳуқуқий, экологик, тиббий ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш маданиятини юксалтириш

орқали уларда турли мафкуравий таҳдидларга, хусусан, диний экстремизм, терроризм, “оммавий маданият” ва бошқа ёт ғояларга қарши мустақам иммунитетни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Ёшларга оид давлат сиёсатининг ижроси сифатида Тошкент Тиббиёт академияси ректорат залида 6 курс талабаси Бегзод Абдуллаев тарафидан “Сиз мақола ёзишни биласизми?”, “Қандай қилиб грантлар ютиш мумкин каби масалалар бўйича семинар бўлиб ўтди. Семинар жуда қизиқарли, маълумотларга ва кўп мунозараларга бой бўлди. Семинар қатнашчилари бундай тадбирларни кўпроқ уюштириш зарурлигини тақлиф қилишди.

С.МАВЛЯНОВ

Армрестлинг мусобақаси

5 ноябрь куни Тошкент Тиббиёт академияси “Ёшлар иттифоқи” ва “Жисмоний тарбия” кафедраси томонидан спортнинг “Армрестлинг” йўналиши бўйича мусобақа ташкил этилди. Жуда ҳам қизгин бўлиб ўтган мусобақада ТТА “Даволаш”, “Тиббий профилактика”, “Тиббий педагогика”, “Магистр” йўналиши талабалари иштирок этдилар. Шу жумладан 70 килограммгача бўлган вазнда ўнг қўл йўналишида Б.Чориев биринчи, Х.Маҳмудов иккинчи, И.Тўрабоев учинчи, чап қўл йўналишида ҳам Б.Чориев биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, И.Болтабоев иккинчи, Х.Маҳмудов учинчи ўринни қўлга киритдилар.

Шундай қилиб Б.Чориев икки қўл йўналишида ҳам тенгсиз деб топилди. 70 килограммдан ортиқ вазнда эса ўнг қўл йўналишида Э.Эшмуродов биринчи, М.Маҳситалиев иккинчи, Б.Содиқов учинчи, чап қўл йўналишида Маҳситалиевга тенг келади топилади, С.Болтаев ва А.Қахрамонов иккинчи ва учинчи ўринларга муносиб кўрилди. Уларни тақдирлаш маросимида ТТА Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти раиси С.Мавлянов, унинг биринчи ўринбосари Г.Абдусаломов, “Жисмоний тарбия” кафедраси аъзолари Ш.Ёрматов, Б.Иногамов, ТТА Ёшлар иттифоқининг “Спорт ва саломатлик” йўналиши етакчиси У.Тўрабоев қатнашдилар.

У.Тўрабоев,

Ёшлар иттифоқи етакчиси

